Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 146 (6. 337) ◉ 1987 йил 30 июнь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ОЙДИН ЙЎЛДАН

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ПЛЕНУМНИНГ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ, ҒОЯЛАРИ АВВАЛО КОММУНИСТЛАРНИНГ, ЭНГ КЕНГ ХАЛҚ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ОНГИГА ЕТКАЗИЛИШИ КЕРАК. ПЛЕНУМ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ БИЗ ҚУНДАЛИК ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН, АВВАЛО МАРКАЗИЙ КОМИТЕТНИНГ ШУ ПЛЕНУМДА СИЕСИЙ БЮРОНИНГ ДОКЛАДИДА УРТАГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН МОҲИРОНА БОҒЛАБ ОЛИБ БОРИШИМИЗ ЖУДА МУҲИМДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987) йил Пленуми материалларидан).

Имкониятлардан фойдаланамиз

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Пленум минбаридан туриб қурувчилар шаънига илиқ гапларни айтди. Жиддий камчиликлар ҳақида ҳам фикрлар билдирди: «...**Агар биз қайта қуришни кенг йўлга қўйиб, уй-жой масаласини ҳал этиш учун реал имкониятларни қидириб топа олмасак, меҳнаткашлар бизни тушунишмайди...**», деб таъкидлади у. Ҳақиқатдан ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида фойдаланишимиз лозим бўлган ички резервлар кўп.

Мисол учун бизнинг уйсозлик комбинатимизни олайлик. Қурилиш бошқармамизда кичик-кичик бригадалар мавжуд эди. Бу кўп жиҳатдан меҳнат унумдорлигини оширишга ҳалал берарди. Бригадалар смена давомида катта ҳажмдаги ишларни бажара олмас, шунинг учун масъулиятли объектларга қўйилмасди. Илгари бизнинг бригадада ҳам саккиз-тўққиз нафар сувоқчи тер тўкарди. Ҳар хил майда ишлар билан шуғулланиб, иш унуми сезилмасди.

Бундан бир неча ой илгари Қадам Жумабоев бригадаси билан бизнинг коллектив бирлаштирилди. Энди 18 нафар пардозловчи самарали меҳнат қилиб кўп қаватли уйларда қийналмай ишлаяпти. Планларимиз ҳам ортиғи билан бажарилаяпти. Жумладан, бу йилнинг биринчи кварталида 54,6 минг ўрнига 57,9 минг сўмлик пардозлаш ишларини амалга оширдик ҳамда олдимизга қўйилган вазифамизни тўла-тўкис уддаладик. Иккинчи кварталда ҳам кўрсаткичларимиз ёмон эмас.

Изласак ҳали резервлар тўлиб-тошиб ётибди. Улардан ҳеч иккиланмай, кечиктирмай фойдаланишимиз лозим. Бригадамиз имкониятларни ҳисобга олиб, йил охиригача 190 минг сўмлик пардозлаш ишларини амалга оширишни белгилаб олди. Бу бинокорлар олдига қўйилган улкан вазифаларнинг бажарилишига бизнинг қўшган ҳиссамиз бўлади.

А. КОЛЯКИН,
«Ташмосстрой» қурилиш бошқармаси бригадири.

ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Юбилей йили ўзининг унутилмас, тарихий воқеаларга бойлиги билан ҳам Ватанимиз халқлари ҳаётида муҳим из қолдирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми ҳужжатлари билан танишар эканмиз, туб бурилишнинг қизғин палласига кираётганлигимизни қалбдан ҳис этдик. Экономикани бошқаришнинг равон йўллари белгилаб берилган бу Пленумнинг ўзига хослиги инсон ақл-идрокининг тантанаси десак, янглишмаган бўламиз. Қайта қуриш бизга ленинчасига яшашни ва меҳнат қилишни ўргатди. Аввалгидек, камчиликларга муросa билан қараш энди бизга ёт. Ҳар биримиз ўз олдимиздаги долзарб вазифаларни ҳис этган ҳолда янада яхшироқ ишлашга ва шу асосда эришилаётган натижаларни тобора мустаҳкамлаб боришга интилаётганлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Қайта қуришдан, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан, хўжалик механизмини такомиллаштириб, шу асосда бошқаришнинг яхлит самарали усулига ўтишдан биз, ишчилар, меҳнатчилар, қўйинки, ҳамма манфаатдордир.

Бирлашмамизнинг кўпминг кишилик машинасозлари қатори дала меҳнатчиларига юқори қувватли тракторларни етказиб бериш ишига коллективимиз аъзолари ҳам бир неча йилдан буён баракали улуш қўшиб келмоқда. Ишлаб чиқаришнинг самарали усулларини фаолиятимизга тадбиқ этиб бораётганлигимиз туфайли ютуқларимиз янада мустаҳкамланиб бораётир. Ўтган йилдан бошлаб коллективимиздаги етакчи бригадалар қатори биз ҳам бригада пудрати асосида ишлашга ўтдик. Дастлаб бу борадаги қийинчиликлар бизни анча чўчитган бўлса ҳам чекинишни истамадик. Иш жараёнида содир бўлган камчилик ва муаммоларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриб бордик. Изланишларимиз самараси айни кунларда қувончли бўлаётганлигини яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Улуғ Октябрь юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишни ўзимизнинг катта мақсадимизга айлантирганмиз. Шу мақсадда мамлакатимизнинг энг йирик меҳнат коллективлари — Ленинградлаги «Кировец» заводи ва Харьков трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмалари комсомол-ёшлар бригадалари билан мусобақалашиб келаяпмиз. Бу ҳар биримизни янада яхшироқ меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

М. ЮСУПОВ,
«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 26-механика-йиғув цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.



КЎТАРИНКИ ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари жойларда катта қизиқиш билан ўрганиб чиқилмоқда. Юзлаб ишчи ва хизматчилар ўз йиғилишларида Пленум ҳужжатларини бундан буёнги фаолиятнинг муҳим дастурулламали эканлигини алоҳида маммуният билан эътироф этмоқдалар. «Ташсельмаш» заводининг 14-цехи илғор фрезерчилар бригадаси аъзоларининг самарадан сўнгги йиғилишлари ҳам ана шундай кўтаринки вазиятда ўтди. Бригада бошлиғи О. Карпова коллектив аъзоларига Пленум материалларни юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб, келгусидаги вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан бригаданинг айрим илғор ишчилари Пленум қарорларини амалга оширишда алоҳида куч ва ғайрат сарфлаб, зарбдорчасига ишлаш фикрида эканликларини билдирдилар.

СУРАТДА: фрезерчилар бригадаси бошлиғи О. Карпова Пленум материалларни билан коллектив аъзоларини таништирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Икки сменада ишлаб

Пойтахтимизнинг Ҳамза районида «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари учун ётоқхона бинолари қурилмоқда. Бу қурилишни «Главташкентстрой», 153-трестининг 3-қурилиш бошқармасидаги В. Анопириенко бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси олиб бормоқда. Бригада шу кунларда ишни икки сменада ташкил этган.

Бригада ойлик планларини 110—120 процент адо этмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бригада илғор ишчи комсомоллардан Р. Мусин, В. Жабский, З. Калонов, А. Савельев билан фахрланади. Улар кундалик топшириқни ошириб бажаришмоқда. Бригада йил охиригача 591 минг сўм ҳажмли иш бажаришни кўзда тутган. Шу кунларда объектда КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларига жавобан иш суръати авж олмоқда.

Ж. НАРЗИҚУЛОВ.


СИФАТГА ЭЪТИБОР

Биз КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми материалларини кўтаринки руҳ билан кутиб олдик. Унда биз, қурувчилар олдига ҳам, ғоятда масъулиятли вазифалар қўйилди. Ҳақиқатдан ҳам ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладида таъкидлаб ўтилганидек, уй-жой қурилиши умумхалқ вазифасидир. КПСС XXVII съезди қарорларида 2 мингинчи йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки хусусий уй-жой билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Ўн иккинчи беш йилликда уй-жой қурилиши ҳажмини ўтган беш йилликдагига нисбатан кескин кўпайтириш мўлжалланган.

Шу кунларда Фрунзе районининг Бошлиқ массивида тўққиз қаватли осмонўпар уй-жой биноларини бунёд этаётган бригадамиз аъзолари Пленум материалларидан тегишли хулоса чиқариб, ишни тубдан қайта қуришга бел боғладилар. Гап бу ерда ишимиз сифатини янада ошириш ҳақида бораётир. Биз бунёд қилган уйларга кўчиб келган оилалар фақат раҳмат айтишлари учун астойдил меҳнат қилиш тадбирларини ишлаб чиқяпмиз. 108 квартирали тўққиз қаватли бинони йил бошида белгиланган муддатдан ўн беш кун олдин бажаришга аҳд қилдик. Ишимизни қайта қуриш натижасида планда кўрсатилган иш ҳажми — кунига 1200 сўм ўрнига 1500 сўмлик иш бажариш — яъни топшириқни 120—130 процентдан адо этишга эришяпмиз. Бригадамизнинг Р. Зокиров, М. Маматқулов, А. Жўраев каби азаматлари бу борада ибрат кўрсатишяпти.

Д. НАБИЕВ,
3-уйсозлик комбинати 3-пардозлаш-қурилиш бошқармаси комплекс коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

Замондошимиз 70



ҚЎШ ОРДЕН СОҲИБИ

Қодир ака ҳаётида қийинчиликларга ҳам, қувончларга ҳам кўп марта дуч келган. Орадан неча-неча йиллар ўтган бўлишига қарамай у бу дамларни хотирасида сақлайди. Ёшлигини шундай ёдга оларкан кўзларида қувонч ёшлари балқиган пайтларини ҳам унутмайди. Ўзига бўлган ишонч, касбига қизиқиш Қ. Ориповни мақсад сари дадил интилишга даъват этарди. Ҳа, киши ҳаётида бир-бирига зид воқеалар — ташвиш ва қувончни акс эттирган кунлар абадий ўрин олар экан. Ўшанда ғоятда секинлик билан бўлса ҳам ишлари юриша бошлаганда терисига сиғмай севинганди. Кейинроқ «Ҳурмат Белгиси» ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари унинг кўксида порлаганда ўзини тенгсиз бахт эгаси, деб ҳис этганди.

Ҳозир унинг болға, болтанинг зарбидан кўкарган, арраю-рандани маҳкам тутганидан қаварib чиққан қўлларн қадоқли, меҳнатда пишган, бақувват. Шогирдларн, ёшлар билан давра қурганда уларни доимо ҳалол бўлишга чорлайди. Қодир ака учун энг муҳими зиммадаги масъулиятни унутмаслик, халқ ҳақига хиёнат қилмаслик. Унинг портрети Тошкент пассажир станциясининг 2-вагон депоси «Ҳурмат тахтаси»дан кўп марта жой олган.

Партиямиз XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг қатор Пленумларида мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, қайта қуриш жараёнини амалга ошириш борасида муҳим йўл-йўриқлар кўрсатилган. Бундан хулоса чиқарган Қодир ака ҳар доимгидек таклифларни ўртага ташлади. Коллектив қайта қуришни амалга оширишда тўғаноқ бўлаётган айрим кишиларга нисбатан қаттиққўллик, муросасизлик кўрсатди. Баъзи ишларни ўзибўларчиликка ташлаб қўйган бригадирлар оддий ишчиликка туширилди. Уларнинг ўрнига ташкилотчи ёшлар сайланди.

Тошкент-пассажир станциясининг 2-вагон депосида ҳозир ижобий томонга бирмунча силжиш бор. Секин-аста барча ишлар маромига етказилмоқда. Бу ишда ўз вазифасига садоқатлилдан ёндошадиган, ҳамкасбларини ҳамиша шунга ундайдиган оддий дурадгор Қодир ака Ориповнинг тарозуда ўлчаб бўлмас катта ҳиссаси бор.

СУРАТДА: Қ. Орипов.

Р. Шамсутдинов фотоси. [ЎзТАГ].

Олға томон ҳаракатнинг ҳал қилувчи шарти

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ССРР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

Мамлакатда бошланган қайта қуриш — Октябрь ишининг бевосита давомидир. Ленин таълимотига содиқ бўлган Совет халқи жамият турмушининг барча соҳаларини янгилаш жараёнига актив киришди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми меҳнаткашларнинг олға томон ҳаракатига, меҳнат ва социал активлигига қудратли омил бағишлади. Пленум қабул қилган қарорлар ғоялар ва принциплар 29 июнь куни Катта Кремль саройида ўн биринчи чақириқ ССРР Олий Советининг еттинчи сессиясига йиғилган халқ депутатларининг диққат марказида бўлди. Бу қарорлар, ғоялар ва принциплар асосида экономикамизни бошқаришни қайта қуриш мўлжалланмоқда.

Сессия соат 10 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. И. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Щербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Бир овоздан сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби тасдиқланади. Муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди: ССРР Олий Совети Президиуми составига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида; мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш тўғрисида; давлат ҳаётининг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ҳақидаги ССРР Қонуни лойиҳаси тўғрисида; мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисида судга шикоят қилиш тартиби ҳақидаги ССРР Қонуни лойиҳаси тўғрисида; ССРР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

* * *

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари депутат Е. К. Лигачева сўз берилди. У партия Марказий Комитети ва палаталар оқсоқоллари кенгашларининг топшириғига биноан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг составидаги ўзгаришлар тўғрисида таклиф киритди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ССРР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. И. Рижков мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масаласи юзасидан палаталар доимий комиссияларининг қўшимча докладини тингладилар. Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Н. И. Масленников қўшимча доклад қилди.

Шу билан палаталарнинг қўшма мажлиси тугади.

Депутатлар Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети палаталарининг алоҳида-алоҳида мажлисларида мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масаласини муҳокама қилишга киришдилар.

30 июнда ССРР Олий Советининг сессияси ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

«ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ»

Бизнинг интервью

Москвада ўз ишини тамомлаган хотин-қизлар Жаҳон конгрессининг қатнашчиларидан бир группаси Ўзбекистон ва Тошкент ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар шаҳримизнинг қатор корхоналари ва маданият муассасаларида бўлиб, ўзбек хотин-қизларининг меҳнати ва уларга яратиб берилган шароитлар билан қизиқиб танишмоқдалар. Мухбиримиз Африка қитъасидаги Гвинея-Бисау республикаси демократик хотин-қизлар ташкилотининг вазифаси Мария Лунза Перейра ва Диана Хандем билан суҳбатлашди:

— Ўзбекистон сафаридан олган дастлабки таассуротларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Биз Тошкент заминига қўнганимизда қоқ ярим кеча эди. Шунга қарамай аэропортда самимий кутиб олиш бизни ғоятда ҳаяжонлантириб юборди. Ўзбекистоннинг чиройли гулларини кўтарган ўзбек дугоналаримиз бизга пешвоз чиқишди. Бу ерда баралла янграб турган миллий ўзбек оҳанглари қалбларимизга ғурур бағишлади. Шу кунларда сизнинг диёрингизда сератон қўёшли ҳаммаёқни қиздириб турганлигини унчалик пайқамадик. Нега деганингизда бу диёр кишиларининг саммимийлиги, меҳмондўстлиги, қалб ҳароратининг кучлилиги ҳар қандай жазирамадан устун эканлигига иқрор бўлдик.

Биз конгресс қатнашчиларини Самарқанд шаҳрида ҳам шодиёна кутиб олишди. Бу кўҳна шаҳарнинг қадимий обидаларини завқ билан томоша қилдик. Улар ўзининг ноёблиги билан бу диёр маданиятининг қадимийлигидан далолат бермоқда. Ҳамма жойда бўлганимизда ўзбек хотин-қизларининг катта маданиятга эришганликларини, улар учун ҳамма шароитлар муҳайё этилганлигини кўриб ҳавасимиз келди.

— Москва конгрессининг иш якунларидан келиб чиқадиган, сизларнинг демократик хотин-қизлар ташкилотларингиз олдида турган долзарб вазифалар ниманлардан иборат?

— Москвада Ер курраси-даги турли қитъа хотин-қизлари ягона мақсад йўлида тўпланганликлари тарихий аҳамиятга молик. Бу конгрессининг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳам Ер куррасида тинчликнинг барқарор бўлиши учун изчиллик билан кураш олиб бориш, ҳар қандай қирғин қуролларини синаш ва урушга таййёргарлик пойгасига барҳам бериш бўлди. Тинчлик учун кураш биргина Европа ёки Осиё, Яқин Шарқ ёки Лотин Америкаси учунгина эмас, Африка қитъаси учун ҳам сув ва ҳаводек зарур.

Ана шу нуқтаи-назардан қараганимизда Москва анжуманн материаллари ва унда жуда кўп дугоналаримиз билан бўлган учрашувларда айтилган фойдали фикрлар менинг мамлакатим ва қолаверса Африка учун ҳам кўп жиҳатдан фойдалидир. Биз икки дугона сафаримиз давомида ана шу анжуман материалларини ўз мамлакатимизга боргинимизда тезроқ дугоналаримизга етказишга аҳд қилдик. Бунинг ва умуман барча хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда муваффақиятларга эришувлари учун тадбирлар белгилашга ҳаракат қиламиз.

— Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида Гвинея-Бисау республикасидан келган йигит ва қизлар ҳам таълим олишмоқда. Улар келгусида мутахассис бўлиб етишиб чиқишади...

— Бизнинг мамлакатимиз вакиллари биргина Тошкентда эмас, Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида таълим олишмоқда. Бу жуда қувонарли. Чунки Совет Иттифоқи бизнинг мамлакатимиз тараққиёти учун сиёсий, ижтимоий, маориф ва халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида яқиндан дўстона ёрдам бераяпти. Тошкентда Африка ёшларининг таълим олиши бу ёрдамнинг бир рамзий белгисидир. Бунинг учун, албатта, Совет Иттифоқи ҳукуматига, кўпмиллатли совет халқларига чексиз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Суҳбатни А. ПЎЛАТОВ ёзиб олди.

Футбол

«ПАХТАКОР»—«ГЕОЛОГ» (ТЮМЕНЬ)—2:0

Кеча футбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида иштирок этаётган коллективлар 19-тур учрашувларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида Тюменнинг «Геолог» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни рақибларнинг дарвозасига Синелобов ва Ротковнч киритди.

Бу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилган: **«Кузбасс»** — **«Локомотив» — 0:1, «Помир» — «Крилья Советов» — 1:0, Ростов армия спорт клуби — «Черноморец» 0:1, «Заря» — «Карпати» армия спорт клуби — 2:1; «Котайк» — «Шинник» — 2:0, «Спартак» — «Даугава» — 0:0, «Торпедо» — «Динамо» (Ставрополь) — 1:1, «Динамо» (Ботумн) — «Ростсельмаш» 4:0, «Факель» — «Металлург» — 1:1, «Ротор» — «Колос» — 2:0.**

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни иккинчи июль куни Куйбишев шаҳрининг «Крилья Советов» командаси билан ўтказади.

Янгича талаб, янгича ишлар

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи барча соҳалар бўйича биринчи квартал план-топшириқларини ошириб бажаришга эришди. 3855 минг сўмлик ўрнига 4014 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона фаолиятининг муҳим бўғини — шартнома мажбуриятига тўла амал қилиниб, бу борадаги план 100 процентга уддаланди. Квартал якунига кўра бирлашма коллективи СССР Оғир машинасозлик саноати министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Айни пайтда иккинчи кварталнинг натижалари ҳам яхши.

Хўш, корхона коллективи бундай муваффақиятга қандай эришяпти?

Яхшиси, бу ҳақда сўзни бирлашма мутахассисларига ва етакчи кадрларига берсак.

А. Кульмизов — механика цехи ишчиси, цех партия ташкилоти секретари:

— Ишга янгича, ижодий муносабатнинг қарор топаётгани, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи фаолиятимизга сингиб бораётгани ютуқларимиз омили бўляпти. Эндиликда ҳар бир ишчи ўз фикр-мулоҳазаси инобатга олинишини яхши билади. Шунинг учун ҳам партия йиғилишлари қизғин баҳс, фикр олишув билан ўтаётир. Ҳамма ўзини ўйлантираётган муаммолар юзасидан ошкора гапирмоқда. Бу, албатта, умумий ишимизга наф келтиряпти. Менимча, бу — корхонамизда, идеология ишининг яхши йўлга қўйилганлигининг натижасидир.

В. Зинин — корхона бош технологи, пропагандист:

— Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда ишчилар онги, психологиясида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Умуман биз қайта қуришни омманий-сиёсий, тарбиявий-ташкилий ишлар самарадорлигини оширишдан бошладик. Мен ўзим иқтисодий ўқув машғулотларини олиб бордим. Очиғини айтганда, илгариги ўқув билан ҳозирги ўқувни қиёслаб бўлмайди. Аввало, тингловчиларнинг дунёқараши, қизиқувчанлиги, талабчанлиги ортган. Ҳозир корхонамизда келгуси йилдан ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш системасига ўтишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ўз навбатида пропагандистлардан маҳорат ва билимларини оширишни талаб этади. Улар сўзининг таъсирчанлиги, даъваткорлик албатта муваффақиятларимиз омили бўлади.

В. Борисова — бирлашма партия комитети секретари:

— Ютуқларга эришишда, албатта, идеология фронти ходимларининг ҳиссаси катта. Улар ҳар бир ишчининг масъулиятини чуқур ҳис этишга, топширилган вазифани равшан англаб олишга яқиндан ёрдам беряптилар. Биз бу соҳада сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг ролини оширишга алоҳида аҳамият бердик. Ҳар бир машғулот коллектив ҳаёти ҳамда ишлаб чиқаришга доир конкрет мисоллар билан боғлаб олиб борилгани ишчи ва мутахассисларнинг меҳнат фаолиятига самарали таъсир кўрсатяпти.

Корхонада ўттиз нафар пропагандист, олтмишга яқин лектор ва сиёсий ахборотчи бор. Сиёсий ва иқтисодий таълим мактабларида юзга яқин киши ўз билимларини оширди. Улар бирлашмада фан-техника ютуқлари ва илғор технологияни жорий этиш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишда ва бу ишга барча ишчиларни кенг сафарбар этишда маъмурият ва партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш идеология ходимларидан ҳам ўз фаолиятларида жиддий ўзгаришлар ясашни, иш услубларини янгилашни талаб этмоқда. Бу КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларида, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасида алоҳида таъкидланди.

Бирлашма коммунистлари очиқ партия йиғилишида партиямизнинг бу муҳим ҳужжатларини атрофлича муҳокама қилдилар. Шунингдек, барча цех ва бригадаларда асосий йўналишлар лойиҳаси чуқур ўрганилмоқда. Лойиҳани муҳокама қилиш жараёнида ишимиздаги айрим камчиликлар борлиги ҳам сезилиб қолди. Масалан, комсомол сиёсий ўқувига бизда унчалик жиддий эътибор берилмади. Комсомол ўқувининг шу кун талабидан орқада қолаётгани партия йиғилишида қаттиқ танқид қилинди. Партия комитети ҳозир бу камчиликларни тугатиш учун зарур чора-тадбирларни кўряпти.

Бирлашма партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорлари асосида партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасини қайта қуришга жиддий киришди. Биз бу ишни КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасидан келиб чиқадиган қонида ва хулосалар асосида олиб боряпмиз. Бу эса ўз навбатида муваффақиятларимизни идеологик жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

А. МАДАТОВ.



10-автомобиль ремонти заводида ўз касбининг усталари талайгина. Улар ишдаги бой тажрибалари билан кўпчиликка намуна бўлиб келмоқдалар. Зиммаларидаги топшириқларни мунтазам муваффақиятли адо этишга эришишаётир. Али Рамазонович Курдияд ҳам корхонадаги ана шундай моҳир слесарларнинг бири. Бундан 16 йил аввал у заводга оддий слесарь бўлиб ишга келганди. Йиллар мобайнида меҳнатда чиниқиб ўз маҳоратини ошириб борди. Натижада яқинда уни касбдошлари ўзи меҳнат қилаётган коллективга етакчи этиб тайинладилар. Бу Али Курдияд зиммасига катта масъулият юклабгина қолмай коллектив аъзоларига бўлган муносабатини тубдан янада яхшилашга ҳам имкон яратди. Ҳозирги кунда бригада аъзолари «КамАЗ» машиналари ремонтини пухта олиб бормоқдалар. Уларнинг хизмат муддатини оширишга баракали улуш қўшишаяпти.

СУРАТДА: Али Курдияд (ўртада) бригада аъзолари билан.

Т. Каримов фотоси.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Экономикада сифат жиҳатидан ўзгаришни таъминлаш ҳозирги кунда ҳар бир меҳнат коллективи олдида турган муҳим вазифаларнинг биридир. Унинг муваффақиятли ҳал этилиши ҳар бир меҳнатчининг ишлаб чиқаришдаги ролини ошириши шубҳасиз. Бу вазифа, айниқса коммунистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Фабрикамизда ана шу талабларга жавоб берадиган, меҳнатсеварлиги билан танилган ишчилар кўп. Уларнинг аксарияти бугунги кунда маҳсулотларнинг янги турларини яратиш, уларни аҳоли эҳтиёжини қондирадиган даражага кўтариши учун ғайрат билан иш олиб бормоқдалар.

Айниқса, каштачилик цехининг ноёб нусҳалар тайёрловчи участкасидаги бригада бошлиғи, Ленин ордени нишондори Саодат Тоҳирова, мураббийчилик ҳаракатининг жонкуяри Рашида Шарафутдинова, бичувчи Малика Абдураҳмоновалар бу борадаги қизғин изланишлари билан кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Шундай серғайрат чеварларимизнинг самарали меҳнатлари туфайли фабрикамизда беш ойлик план ортиғи билан адо этилиб, қўшимча 25 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари савдо шохобчаларига етказиб берилди. Эришилган натижаларда ўзаро социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади. Унда ҳозир барча ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлар фаол қатнашишмоқда. Ҳар ойда бригадалар ўртасидаги мусобақага, ҳар кварталда эса цехлар ўртасидаги беллашувга якун чиқариб борилаётир. Сония Гиззатуллина, Азиза Марасулова, Мунира Абдуллаева, Нодира Шодмонова бошчилик қилаётган бригадаларнинг чеварлари энг юқори натижаларга эришиб, бир неча бор фабрика кўчма вимпели ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Корхона партия ташкилоти мусобақанинг ошкоралигини таъминлашга ҳам катта аҳамият бермоқда. Вақти-вақти билан чиқариб борилаётган деворий газеталарда илғор ишчиларнинг номлари қайд этилиб, уларнинг ўзига хос тажрибалари кўрсатиб берилаётир. Меҳнат интизомини бузувчилар, лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли коллективни орқага тортувчилар эса аёвсиз танқид қилиняпти. Коллектив ютуғи учун ошкора курашиш натижасида ташаббускорлар сафи тобора кенгаймоқда. Ўн иккинчи беш йилликкинг иккинчи йили план-топшириқларини 7 ноябрь байрамига қадар адо этиш мажбуриятини олганлар сафида Мунира Абдуллаева ҳам бор эди. Экспериментал цехнинг моҳир бригадири вақдасини амалий иш билан мустаҳкамлаб бормоқда. У бошқараётган коллективга 12 ишчи уюшган. Улар айни пайтда резервлардан самарали фойданиб, смена нормаларини пухта бажаришаётир. Натижада ойлик план-топшириқлар муддатидан беш кун аввал ўринлатиб қўйилмоқда.

Айни кунларда чойшаб, пахта гулли дастурхон, сўзана, зардевол сингари маҳсулотларни тайёрлашга эътиборимизни кучайтиряпмиз. Чунки бундай маҳсулот жойларда севиб харид қилиняпти.

Коллективимиз олдида катта ва шарафли вазифа турибди. У ҳам бўлса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш ҳар биримизни ижодий изланишга, илғорлар тажрибасини муттасил ўрганишга, маҳоратни тобора ошириб боришга ундамоқда. Йил давомида планга қўшимча 200 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўзлаб қўйганмиз. Тайёрланадиган маҳсулотнинг 70 процентини янги хилдаги буюмлар ташкил этади.

К. ҚАЮМОВА,
бадиий буюмлар фабрикаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

ТЕЖАЛГАНИ 146 МИНГ СЎМ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилаётган кийим-кечаклар кўпчилик томонидан севиб харид қилинадиган бўлиб қолди. Бу ерда янги тикувчилик цехи иш бошлаганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа давр ичида бу ерда қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар кишн диққатини жалб этади.

Цех иш хусусияти бошқа участкаларда ҳосил бўлган лахтаклар, қийқимлардан, узилган ипдардан маҳсулот тайёрлашдан иборат. Вазифани комплекс ҳал этиш — тўқиш, бичиш, тикиш учун зарур дастгоҳлар ўрнатилди. Икки сменада 25 нафар ишчи меҳнат қила бошлади.

Кичик лахтаклар, қийқимлардан нима тайёрлаш мумкин! Болалар кийим-кечаклари. Шу сабабдан цехда асосан жажжи ўғил-қизлар учун шортик, нимча, кўйлак, пайпоқ ва бошқа кийимлар тикила бошланди. Яқинда эса шу цехда чақалоқлар учун комплектлар ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Яқин-яқингача чиқинди ҳисобланган хом ашёлардан фойдалана бошлаганн ўзимизни ҳам қувонтиради, — дейди цех бошлиғи Моҳира Хонхўжаева. — Қизларимиз бирлашма коллективларининг социалистик мусобақасида илғорлар сафида бормоқда. Тикувчи-мотористқалар З. Валиева, М. Ҳошимова, А. Халилова топшириқларни 120-140 процентга, бичиқчи Ҳ. Тошпўлатов эса 170 процентга етказиб бажараётганн фикримиз далилидир.

Дарҳақиқат, цех коллективи амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқ. Ахир бугунга қадар чиқитлардан 146 минг сўмлик маҳсулот тайёрлангани кимни қувонтирмайди, дейсиз. Лекин улар қўлга киритган ютуқлар билан кифояланмоқчи эмаслар. Яқин орада цехга яна 16 та тикув машинасини ўрнатиш мўлжалланяпти. Коллектив аъзолари ҳам 56 кишига етади. Ҳозирча йиллик кўрсаткич 91,9 минг сўмлик деб белгиланган. Режалар амалга ошгач, ютуқлар янада салмоқли бўлишн кутилмоқда.

Н. КАРИМЖОНОВА.



«Улуғ Октябрнинг 70 йиллик қутлуғ байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб оламиз!» Ана шу шиор асосида фидокорона меҳнат қилаётган ёғочни қайта ишлаш комбинатининг кўп юз кишилик коллективи ўтган ойлар планини муваффақиятли адо этишга эришди. Меҳнат унумдорлиги белгиланганидан бир неча процент оширилиб, иш сифати бирмунча яхшиланди. Бу кўрсаткичларнинг таъминланишида комбинатнинг Илҳомбек Жўрабеков бошчилик қилаётган бригадаларнинг чеварлари энг юқори натижаларга эришиб, бир неча бор фабрика кўчма вимпели ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

СУРАТДА: дурадгорлар Рихсибой Жўраев [чапдан ўнгга] бригадир Илҳомбек Жўрабеков ва Акром Исамуҳамедовлар бажарилган иш сифатини кўздан кечиришмоқда.

Э. Зоҳидов фотоси.

Марсга учиш янги лойиҳаси таклиф этилди

ВАШИНГТОН. АҚШ аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА) ҳузуридаги стратегик планлаштириш группаси одамнинг Марсга учиши янги лойиҳасини таклиф этди. Америкалик биринчи аёл-космонавт Салли Райд бошчилигида шу группа ишлаб чиққан планга мувофиқ олти кишидан иборат экипажнинг космик кемада икки ёққа бориб келишига тахминан бир йил керак. Бу — илгари таклиф этилган лойиҳалардан икки-уч баравар тездир. Шунинг учун ҳам мутахассислар Райд таклифини одам организмининг космосда узоқ вақт бўлишга кўникиши нуқтаи назаридан энг амалий таклиф, деб ҳисобламоқда.

Планеталараро учишга тайёргарлик тахмин этилган қўниш районини топографик текшириб чиқишдан бошланмоғи лозим. Бунинг учун Райд ердан туриб бошқариладиган аппаратларни Марсга юборишни таклиф қилади. Ундан кейинги босқичда одамсиз космик кема 1996—1999 йилларда Ер—Марс—Ер орбитаси маршрути бўйлаб учади.

2000 йилда Ер орбитасида Марсга жўнайдиган юк кемаси ҳозирланади. Шу кема Марс теварагидаги орбитага чиққанлиги тўғрисида хабар келиши биланоқ унинг кетидан одамлар тушган кема жўнаб кетади. Планеталараро фазода катта тезликда учаётган кема олти-саккиз ойдан кейин манзилга етиб боради. Экспедиция кемаси Марс орбитасида бир ойча туради ва космонавтлар туширидиган модулда планетанинг ўзида икки-уч ҳафтани ўтказа оладилар.

Стратегик планлаштириш группасининг лойиҳасида 2000 йилдан 2010 йилгача уч марта «тезкор саёҳат» қилиш таклиф этилади. «Марсга алоҳида экспедициялар юбориш-юбормасликда давом этиш ёки у жойда космик станция қуриб ушбу планетани ўзлаштира бориш нечоғлик мақбул тушиши ўшанда маълум бўлади», — дейди Райд.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ ... ички реакциянинг ҳар кун конгрессида президент Рейганнинг Форс кўрфазида Кувайт танкерларини кузатиб боришни кўзда тутувчи плани юзасидан мунозаралар натижасиз тугади. Иккала палатадаги демократик партия раҳбарлигининг кенгашида ана шу тадбирни танқид қилувчи, лекин уни бажаришга тўсқинлик қилмайдиган резолюция лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Лекин кейинчалик сенатнинг ташқи ишлар комитетида бошланган мунозаралар чоғида лойиҳа рад этилди. Вакиллар палатасининг спикери Жим Райт конгрессдаги иккала партиянинг раҳбарлари бу проблемани муҳокама қилиш ва «мақбул қарорни» ишлаб чиқиш учун келгуси ҳафтада президент Рейган билан учрашмоқчи бўлишаётганини айтди.

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ёшлари конгресси (И) миллий кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчилари ички реакция кучларининг Ҳиндистон суверенитети ва мустақиллигига қарши кирдикорларига нисбатан қатъий кураш олиб боришга чақирдилар. Республика йиғит ва қизларининг ана шу оммавий ташкилотининг раиси Ананд Шарма мажлисда гапириб, миллатга қарши бузғунчи унсурларнинг Ҳиндистоннинг стратегик жиҳатдан муҳим районларида вазиятни беқарор қилишга, мамлакатнинг территориал бутунлиги ва унинг халқининг бирлигини парчалаб ташлашга эришишга уринишларидан жиддий ташвиш изҳор қилди. У миллий бирликни ҳимоя қилиш йўлидаги оммавий кампанияда Ҳиндистон ёшларининг фаол иштирок этишлари, Ҳиндистонда кескинликни кучайтириб, мамлакатни тинчлик ва тараққиёт йўлидан четга чиқариб юборишга уринаётган ташқи

◆ ТОКИО. Болалар ўйини чоғига ўхшаган вертолёт бир неча ўн сантиметр баландликда учиб, шолипояларни химиявий моддалар билан дорилайди. Унинг митти кабинасида учувчи йўқ, албатта. Уни пайкал четида турган оператор узоқдан бошқармоқда. Япониянинг Тиба префектурасидаги фермерлар уюшмасининг ташаббуси билан ана шундай модель тайёрланди. Оддий ченглатгичдан фойдаланганда, химиявий моддаларни шамол узоқларга учириб кетади, ҳатто атрофдаги посёлкаларга етиб бориши мумкин. Мини-вертолётнинг пастлаб учиши одамлар саломатлиги учун зарарли бўлган химиявий булутлар пайдо бўлишининг олдини олади. Бошқаришнинг осонлиги эса, уни ҳар қандай одам алоҳида тайёргарлик кўрмай ишлата олишга имкон беради.

◆ ПРАГА. Брнода Совет Иттифоқи, ЧССР, ГДР ва Польшанинг криохирургия соҳасидаги мутахассисларининг кенгаши тугади. Унда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг тўқималарни кучли совутиб операция ўтказиш учун ускуналар ва асбоблар яратиш борасида бундан буёнги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Чехословакиянинг Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача фан-техника тараққиёти комплекс программаси доирасида социалистик мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун махсус техника ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Хирана» корхонаси бу соҳада етакчи ўринни эгаллаётгани тасдиқланди.

Объективда — Руминия



Бухарестдаги марказий давлат кутубхонаси [суратда] Руминиядаги энг йирик китоблар хазинасидир. Унда етти миллион китоблар, журналлар, қўлёзмалар, альбомлар, харитлар, расмлар сақланмоқда. Кейинги пайтларда унинг фонди бирмунча кенгайди, ўқиш ва абонемент заллари, китоб сақлаш хоналари қурилди.

Аджерпресс — ТАСС фотоси.

«РЕЗИНА ЭТИК КЕРАК»

Газетада ана шу сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада «Марказ—17, 18» кварталидаги бир қатор уйларга ўтувчи йўлнинг нобоплиги кескин танқид қилинган эди. Ана шу мақола юзасидан Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раиси А. М. Мирқосимов қуйидагиларни хабар қилади:

—Кварталдаги 31, 32, 33, 35, 36-уйлар, шунингдек, 34-уй ўтган йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилган эди. Ана шу уйларнинг қурилиши муносабати билан эски уйларни бузиш натижасида мазкур уйларга ўтувчи йўл бузилди. Бу эса квартал аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Мақола эълон қилингач, у муҳокама қилиниб, йўлни қайта тиклаш чораларн кўрилди. Ҳозир йўлга тўташ территория ҳам ободонлаштириб қўйилди.

Айни пайтда кварталда ёшлар ижодий уйи, дорихона, алоқа бўлими, 49/40-АТС ва болалар боғчаларн қурилишларн олиб бориляпти. Бу объектлар шу йилнинг учинчи ва тўртинчи кварталларида фойдаланишга топширилади. 1988 йилдан бошлаб бир сменада 600 беморни қабул қилувчи поликлиника қурилиши бошланади. Ҳар бир объектни ишга туширишн пайтида унга туташ территория ободонлаштирилади. Микрорайонни бутунлай қуриб битказиш 1989 йилга мўлжалланган.

«ҚАЧОНГАЧА?»

Газетанинг шу йил 30 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда 23-маршрутли такси метронинг Ленин номидаги майдон станциясидан охирги бекати — Мўйноқ кўчасигача қатнамаётганлиги танқид қилинган эди. Мақолага 2-маршрутли такси корхонасидан жавоб олинди. Унда айтилишича, давлат автомобиль инспекцияси билан ҳамкорликда икки маротаба тиклаш чораларн кўрилди. Ҳозир йўлга туташ территория ҳам ободонлаштириб қўйилди.

Айни пайтда кварталда ёшлар ижодий уйи, дорихона, алоқа бўлими, 49/40-АТС ва болалар боғчаларн қурилишларн олиб бориляпти. Бу объектлар шу йилнинг учинчи ва тўртинчи кварталларида фойдаланишга топширилади. 1988 йилдан бошлаб бир сменада 600 беморни қабул қилувчи поликлиника қурилиши бошланади. Ҳар бир объектни ишга туширишн пайтида унга туташ территория ободонлаштирилади. Микрорайонни бутунлай қуриб битказиш 1989 йилга мўлжалланган.

Шунинг учун «Главташпассавтотранс» бошқармаси кўрсатмасига биноан 23-маршрутли такси охирги бекатгача қатнамаётир. Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси Мўйноқ кўчасидаги йўлларни яхшилаб ремонт қилиб, пассажир автотранспорти учун қулай шароит яратгандан сўнг 23-маршрутли такси охирги бекатгача боради.

«Яхшиям йўқ экансиз»

Газетанинг шу йил 12 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси сотувчиси Ш. Мансуровани харидор билан бўлган қўпол муомаласи танқид қилинган эди. Ана шу мақола юзасидан «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси директори М. Б. Сайфуллин имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.

Ҳақиқатан ҳам 1987 йилнинг 26 апрель куни совт 10 да харидор Х. Дўстмуҳамедов сотувчи Ш. Мансуровадан нархи 1 сўм 90 тийин турадиган болалар кўйлагидан бир дона беришни илтимос қилган. Шу пайтда сотувчи бошқа харидорлар билан муомала қилиб, ундан пул олмаганлигини айтган. Кўйлакни олиш учун 10 сўм узатган харидор 8 сўм 10 тийин қайтимини талаб қилганда, сотувчи, ўзини билмаганга олиб, «сиздан пул олмаганман», деб туриб олган. Аммо текшириш пайтида харидор ҳақ бўлиб чиққан. Ш. Мансурова совет савдо қоидасини бузиш билан бирга харидорга нисбатан қўпол муомалада бўлган. Шунингдек, 24-секция мудири Н. Исоқова ҳам ўз вақтида тушган пулни ва қолган товарни текшириб кўрмаган. Ҳар икки савдо ходимининг иши фирманинг кичрайтирилган Советн йиғилишида муҳокама қилинди. Совет савдо қоидасини қўпол равишда бузганлиги учун Ш. Мансурованн мавжуд қонунга биноан ишдан бўшатиш керак эди, лекин унинг узоқ муддат ҳеч қандай нуқсонсиз ишлашини ҳисобга олиб, уч ой муддат билан фаррошликка ўтказилди. Агар у яна бир бор совет савдо қоидасини бузгудек бўлса, унга нисбатан қаттиқ чора кўрилади, яъни ишдан бўшатилади. 24-секция ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлиги учун секция мудири Н. Исоқовага қаттиқ виговор берилди.

«НУР УСТИГА НУР БЎЛАРДИ»

Газетанинг шу йил 9 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Унда Қизилқўрғон, Плеханов, Наманган, Дербенцкая, Боғистон, Марковнч кўчалари ва «Обод» маҳалласидаги телефонларнинг яхши ишламаётганлиги танқид қилинган эди. Мақолага шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасидан жавоб олинди. Унда айтилишича, мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Бугунги кунда техник нормаларига монанд келмайдиган алоқа ускуналарнни яратиш бўйича ҳужжатлар тузилмоқда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлгач, 1988 йилда капитал ремонт учун киритилади.

Калейдоскоп

ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕТАЛЛ

Инглиз Иэн Ашдаун коррозияни ортга қайтарувчи асбоб ихтиро қилди. Асбоб таъмирловчи ва археологларнинг ишини бирмунча енгиллаштиради, кейинчалик эса у саноатда ҳам қўлланилади.

Занглаган буюм вакуумга жойлаштирилади ва зангдаги кислородга яқинроқ бўлган водород молекулалари билан ишлов берилади. Бир неча соатдан сўнг буюмнинг занги тушиб пишиқ металлга айланади, деб хабар қилади. Венгриянинг «Интерпресс магазин» журнали.

ЁҒИНГАРЧИЛИК ҚАЕРДА КЎП?

Ҳинд океанидаги Реюньон ороли яқинидаги Сайлас деб номланувчи жой ер шаридаги энг нам жойлардан ҳисобланади.

Ёмғир у ерга жуда кўп ёғади, ҳаттоки баландлиги икки метрдан ошувчи ёғингарчилик ёғган вақтлар ҳам бўлган. Бу ўзига хос жаҳон рекордидир. Ҳиндистондаги Черапунжи шаҳри ҳам ёғингарчиликларнинг ёғиши бўйича жаҳон рекордчиси ҳисобланади. У ерга бир йилда тушган ёғингарчиликни жамласа 26 метр баландликка кўтарилиши мумкин экан, деб хабар беради Американинг «Ридерс дайджест» журнали.

«Оқшом» почтасидан

Йўл азоби

Редакцияга келган бир туркум хатлар пассажир транспорти, йўловчиларга яхши хизмат кўрсатмаётганлиги, бекатлар ноқулай жойлашганлиги, ҳайдовчиларнинг йўловчилар билан қўпол муомаласи ҳақида. Биз қуйида ана шу хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сергели районида жойлашган ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз олдига қўйган планларини ортиғи билан адо этишга эришмоқда. Биз яқинда ана шу корхонада бўлганимизда ишчилар эришаётган ютуқлар билан бирга транспорт хизматида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам гапиришди.

— Бундан бир неча йил муқаддам корхонамиз эшигигача автобус қатнарди,— дейди Маъмура Йўлдошева. — Ҳозир иккинчи сменадаги ишимиз соат 24 да тугайди. Бизга хизмат кўрсатадиган 98 ва 99-маршрутдаги автобуслар кўпинча бўлмайди. Бу ҳақда 12-автобус парки директори К. Лига ёзма равишда корхонамиз маъмурияти мурожаат қилди. Аммо ҳеч қандай натижа йўқ. Ахир ишчилар кечки сменадан чиқишиб, уйларига қайси транспортда боришни билмай юришибди. Бундай тартибсизликларга барҳам бериш вақти келди.

У. МУҲАМЕДОВ,
штатсиз мухбиримиз.

●

11-маршрутдаги троллейбуснинг йўловчиларга яхши хизмат кўрсатмаётганлиги ҳақида ёзишга мажбур бўлдим. Бу маршрут графикка мутлақо риоя қилмайди. Яқинда қирқ минут кутишга тўғри келди. Асосан Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари фойдаланадиган бу маршрутдаги тартибсизликларга барҳам бериш керак.

А. ЗОИРОВ,
студент.

●

Яқинда эрталаб соат 10 дан 45 минут ўтганда «Север» фабрикаси бекатида 7-маршрутдаги троллейбусни анча вақт кутдик. Бир вақт узоқдан 2190 рақами белгиа ёзилган троллейбус кўринди. Бекатга келгач, тўхтамасдан ўтиб кетди. Бундай ўзбошимча ҳайдовчиларнинг танобини тортиб қўядиганлар борми?

Ю. ТОЛИПОВ,
ишчи.

●

158-маршрутли автобус Майскийдан Келесга қатнайди. Интервали ярим соат бўлсада аранг бир соатда қорасини кўрсатади. Йўловчиларнинг кўпчилиги ана шу маршрутдаги автобусни бекатларда кутиб-кутиб бошқа машинага чиқиб кетишга мажбур бўлишмоқда. Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб Чирчиқ АТПсига ўтказилган ана шу маршрутдаги автобуслар хизмати янада ёмонлашди. Яқинда эрталаб соат 7.30 дан соат 8.25 гача бекатда автобус кутиб турдик. Охири 19-93 ТШН номерли автобус йўловчилар билан тўла ҳолда бекатга келиб тўхтади. Хуллас, ярим соат ишдан кеч қолиб боришга тўғри келди. Ҳар куни ана шундай «хизмат» кўрсатиш жонга тегди.

М. КАРИМОВ,
Маданнат колхози, 1-участка.

●

Шаҳардаги барча пассажир транспорти ишини координация қилиш бошқармаси хизматининг баъзи ишларига таажжубланамиз. Байналминал кўчаси бўйлаб 12-маршрутдаги троллейбус, 7, 13-маршрутдаги автобуслар ҳаракат қилади. Икки бекат, яъни Чилонзор Оқтепаси билан Зуҳра кўчаси оралиғидаги масофа салкам бир километрни ташкил қилади. Бизнинг истагимиз «Зарқанд» кўчаси рўпарасида ана шу транспортларнинг тўхтаб ўтиши ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
пенсионер.

●

Биз Киров районидаги Наманган кўчаси ва унга ёндошган бир қанча кўчалардаги хонадонда яшовчилар транспорт масаласида анча қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Шаҳар марказига чиқиш учун Жаҳон Обидова кўчасида қатнайдиган автобусларга ўтириш учун бир ярим километр масофани пиёда юриб чиқишга тўғри келади. Қариялар ва болалар айниқса қийналишади. Биз бу ҳақда шаҳардаги барча пассажир транспорти ишларини координация қилиш бошқармасига мурожаат қилиб хат йўлладик. У ердан келган жавобда давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг талабига кўра бизнинг кўчамизда автобус қатнаши мумкин эмас эмиш. Аммо ҳозир 26-маршрутли таксиавтобус ана шу кўчадан қатнамоқда. Бу маршрутнинг хизмати йўловчиларни қаноатлантирмайди. Кўпгина жойларга бу ҳақда ёздик. Аммо ҳалигача ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётир.

Н. МИРЗАЕВ,
Улуғ Ватан урушининг II-группа нивалиди. Жами 12 имзо.



«Самарқанд» автостанцияси олдидаги ҳалқа йўлда бунёд этилган ёдгорлик ҳамманинг диққатини жалб этмоқда. Унда ер шари тасвирланган бўлиб, унинг атрофида оқ каптарлар парвоз қилаяпти. Ёдгорлик «СССР ер куррасида ва космосда тинчлик посбони» деб аталган.

СУРАТДА: янги ёдгорликнинг кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

●

Шаҳримизнинг Беруний проспекти йил сайин осмонўпар бинолар билан янада файзли бўлиб бормоқда. Бу ерда ҳар йили юзлаб оилалар уй тўйларини ўтказишади. Бу проспектнинг истиқболи янада порлоқ. Яқин келгусида метронинг навбатдаги йўли ана шу ердан ўтади.

СУРАТДА: Беруний проспектида қад кўтарган янги уй.

Т. Каримов фотоси.



Илмий лабораторияларда

ДАРД ВАҚТИДА АНИҚЛАНСА

Ҳавфли ўсма—рак касаллигини даволаш процесси мураккаб бўлиши билан бирга, уни ўз вақтида аниқлаш анча қийин. Шунинг учун бу хасталикни аниқлаш ва даволаш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадида бундан ўн йил илгари Тошкент шаҳар онкологик диспансери ҳузурида цитология лабораторияси ташкил этилган эди. Бу йўл билан рак касаллигини аниқлашда асосан микроскоп остида тўқималарда кечадиган ўзгаришлар кузатилади.

Лаборатория ташкил топгандан бери диагноз қўйишда ва даволаш билан боғлиқ бўлган мураккаб операцияларда иштирок этаётган Т. Абаева, М. Абдуллаева, М. Ғаниева, Р. Шуваева, Р. Аминова ва бошқа медицина ходимлари қизғин иш олиб боришмоқда. Цитология лабораторияси ташкил этилгандан кейин шаҳардаги ҳар бир поликлиника қошида аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қиладиган ва текширувдан ўтказиб туриладиган кабинетлар ишга туширилди. Ана шу кабинетларга 30 ёшдан ошган ҳар бир аёл йилда камида бир марта келиб, соғлиғини текширтириб туриши керак. Чунки ҳавфли ўсма—рак касаллиги ниҳоятда яширин бошланиб, оғриқсиз кечгани учун уни узоқ муддат сезмаслик мумкин. Бундай кабинетларда кўп йиллик иш стажига ва тажрибага эга бўлган медицина акушеркалари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Шундай жонкуяр медицина ходимларидан 10-поликлиникада Г. Зоткина, 28-поликлиникада А. Киреева, 23-поликлиникада Х. Пўлатоваларнинг иш тажрибалари диққатга сазовор бўлаяпти, улар бемор аёлларнинг сиҳат-саломатлигини яхши муҳофаза этиб, касаллик аниқланиши билан тезда даволанишга даъват этишмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, цитология лабораторияси кейинги йиллар давомида рак ва рак олди касалликларига диагноз қўйишда дея рли консультацион марказга айланди. Соғлиқ посбони бўлган лаборатория ходимлари ўтган ўн йил ичида 191 рак, ўнлаб беморларда эса рак олди касаллигини аниқлаб, уларнинг даволанишига имкон яратдилар. Шундай мураккаб иш билан ўз қаётий фаолиятини боғлаган лаборатория ходимларига меҳнаткаш халқимиз беҳад таҳсин айтмоқда.

Х. НОРМАТОВ.

Магистраль

◆ Йўл қоидасини билсангиз...

◆ Яхши ният билан бошланган иш.

◆ Билимдонлар баҳси қизимоқда.

МИНСКЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

КЕЙИНГИ ўн йилликда республикамиз пойтахтидаги техника восталари уч марта кўпайди. Ҳаракат интенсивлиги ҳам ошди. Ҳозир ҳар соатда икки йўналишда Ш. Руставели кўчасидан 8 минг, Куйбишев шоссеси чорраҳаларидан 7500, Пушкин кўчасидаги чорраҳалардан 78000 та транспорт воситаси ўтмоқда. Қисқа қилиб айтганда шаҳарнинг асосий магистралларидан бир соатда 7 мингдан зиёд транспорт воситаси ўтяпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг бўлим, бошқармалари томонидан шаҳардаги транспорт қатновини ташкил этиш ва шароитни яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун фақат шу йилнинг ўзида ГАИнинг махсус монтаж бошқармаси учун техник назоратни кучайтиришга 2 миллион сўм маблағ ажратилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Ҳозир 276 чорраҳада ҳаракат светофор ёрдамида тартибга солинмоқда, 844 та пиёдалар светофори, 21469 та «Пиёдалар ўтиш йўлкаси» йўл белгиси ўрнатилган. 1986 йилда ободонлаштириш Бош бошқармасининг кучи билан 170174 квадрат метр йўлкалар қурилди, шаҳарда 25 та ер ости пиёдалар ўтиш йўлкаси ишлаб турибди, ҳар йили йўлларининг 24 минг квадрат метрга яқин пиёдалар ўтадиган қисмига ранг-белги қўйилмоқда.

Йўл ҳаракати қондасини пропаганда қилиш, шунингдек, болаларга йўл ҳаракати қондасини ўргатиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда ҳозир иккита автошаҳарча, 70 та мактабда болалар автомайдончаси ишлаб турибди. Шунга қарамасдан йўл-транспорт ҳодисаларн ҳамон юқорилигича қолиб, асосли равишда ташвишга сабаб бўлмоқда. Айниқса, пиёдаларни босиб кетиш ҳоллари безовталантиряпти. 1980 йилдан 1986 йилга қадар шундай тасодифлар 48 процентга кўпайди. Кўп ҳолларда ҳодисанинг юз беришига пиёдаларнинг ўзлари сабаб бўлишди. Хўш, бу проблемани қандай ҳал қилиш мумкин?

Бу саволга жавоб топиш учун минскликлар тажрибасига мурожаат қилайлик. Минскда 1986 йилда пиёдаларнинг айби билан юз берган ҳодиса Тошкентдагига нисбатан олти ярим марта кам бўлди.

Биз Минск шаҳар Совети ижроия комитети, ГАИси саноат корхоналарининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиб, методик қўлланмалар ишлаб чиқдик. 1986 йилнинг май ойида область касаба союзлари Совети билан келишган ҳолда минскликлар тажрибасини оммалаштиришга, ишлаб чиқариш корхоналарида агитколлективларни ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатишга киришдик. Бироқ, бу ҳали етарли эмас.

Иш бошланди. Жумладан «Таштекстилмаш» агитколлективи томонидан ишчи ва хизматчиларнинг йўл ҳаракатн қондасига қандай амал қилаётганликларини аниқлаш бўйича рейдлар ўтказилмоқда. Қондабузарларнинг суратлари олиниб, тартиб бузилган жойда олинган бу суратлар стендларга қўйилмоқда. Корхона территориясидаги кўзга ташланадиган жойларда жиҳозланган стендлардаги суратларни барча кўряпти. Самара салмоқли. Ўтган тўрт ой давомида корхона ишчи ва хизматчиларидан бирортаси ҳам йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлмаганлиги бунинг далилидир. Бироқ, барча раҳбарлар ҳам ГАИ ахборотига тўғри муносабатда бўляпти, деб бўлмайди.

Тошкент тўқимачилик комбинати (директори Б. Эргашев, касаба союз комитетининг раиси Т. Бихно) да минскликлар тажрибасини жорий қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб ГАИ ходимлари комбинатнинг барча цехларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Шунга қарамасдан, ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан 20 километрдан зиёд йўлкалар жиҳозланмаган, 700 дан зиёд пиёдалар ўтиш йўлкаси етишмайди. Бу нарсалар одамларни йўлнинг ўтиш тақиқланган серҳаракат қисмидан юришга мажбур қилмоқда. Айниқса, Ҳамза, Киров ва Чилонзор райондаги шароит ёмон.

Шаҳардаги кўчаларда коммуникация ишларини амалга ошираётган ташкилотлар ҳам пиёда ва ГАИга жуда кўп ноқулайликлар яратишмоқда.. Уларнинг масъулиятсизлиги туфайли кўп ҳолларда йўлкалар қурилмаяпти. Бу борада

ЯНА фактларга мурожаат этайлик. 1986 йилда етти ёшгача бўлган 237, ўн олти ёшгача бўлган 427 бола шаҳар кўчаларида жароҳатландн. Етти ёшлилардан 1 киши, ўн олти ёшгача бўлганлардан ўн беш киши ҳалок бўлди. 1987 йилнинг беш ойи мобайнида етти ёшгача бўлган 61, 16 ёшгача бўлган 166 бола жароҳатланди. Бу рақамларнинг магзини чақиб кўринг.

Шаҳарда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш бўйнча бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўп мактабларда ҳаракат хавфсизлиги кабинетлари ташкил этилган. Болалар автошаҳарчалари қурилмоқда. Бу жойларда турли мусобақа, викторина, махсус машғулотлар ўтказилятти. ГАИ ходимлари болалар боғчаларн ва мактабларда суҳбат ўтказиб ва лекциялар ўқишмоқда. Ҳаракат хавфсизлиги кабинетларини жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатишяпти.

ГАИ ходимларн томонидан 31 мактабдаги мавжуд автомайдончаларга йўл белгиларн қўйиб чиқилди. «Ҳаракатнинг ёш инспекторларн отрядларн ҳақидаги Низом» ишлаб чиқилди, кўпайтирилди ва мактабларга тарқатилди. Шунингдек, «Мактабларни текширш экрани» йўлга қўйилди ва 3 минг нусхада мактабларга тарқатилди.

Амалга оширилган тадбирлар болалар ўртасида йўл-транспорт жароҳатини камайтиришга ижобий таъсир қилмши керак эди. Бироқ, бу кўзга яққол ташланмаяпти. Чунки мактабларда ҳаракат хавфсизлигига етарли эътибор берилмаяпти.

Болаларнинг йўл ҳодисаларига сабаб бўлишининг олдини олишга етарли аҳамият бераётган мактаблар шаҳарда саноқлидир. Уларнинг қаторига Чилонзор районидаги 201 ва 179-, Куйбишев районидаги 241-, Ленин районидаги 158-мактабларни киритиш мумкин.

Яқинда 48-(директори А. Подунов), 135-(Е. Соловьев), 178-(директор вазифасини бажарувчи А. Вильданов), 182-(Н. Кравченко) мактабларн текширишдан ўтказилди. Бу мактабларнинг раҳбарлари «Йўл ҳаракати қондаси» фанини ўргатишга етарли аҳамият бермаётганликларини таъкидлаб айтиш керак.

214-ва 231-мактабнинг учтадан ўқувчиси, 87, 98, 107-ва бошқа мактабларнинг иккитадан ўқувчиси йўл тасодифларига сабаб бўлишди.

Кўпчилик мактабларда ёш инспекторлар отрядининг навбатчилиги ташкил этилмаган, кузатиш ишари олиб борилмаяпти, автомайдончаларда белгилар қўйилмаган. ГАИ ходимлари 70-мактаб (директори С. Маҳмудов) ўқувчилари томонидан бир соат давомида 36 марта йўл қондаси бузилганлигини аниқлашди.

Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари, кўнгилли халқ дружинасининг аъзолари томонидан 1986 йилда пиёдалар 374663 қонда бузишининг олди олиб қолинди. Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида 146894 бу рақамга тенг бўлди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 139014 пиёдага жарима солинди, 7880 йўловчи огоҳлантирилди. Бундан ташқари ГАИ ходимлари фарзандлари йўл ҳаракати қондасини бузган ота-оналарга нисбатан маъмурий протоколлар тузиш сингари тарбия усулидан ҳам фойдалана бошладилар. Бу протоколлар асосида балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш район комиссияларн болаларнинг ота ва оналарига нисбатан маъмурий чора кўришларн мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати қондасига амал қилиш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини ҳар бир кишига тушунтириш, чора-тадбирларни кўриш фақат ГАИ ходимларининггина эмас, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг ҳам, кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Б. ПУТИНЦЕВ,
Тошкент шаҳар Совети Ижроия ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги.

ТАШВИШЛИ РАҚАМЛАР

Июнь ойининг биринчи декадасида шаҳар бўйича 75 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда бир киши ҳалок бўлди ва 86 киши яраланди. Бу ҳодисалар транспорт хўжаликларида ҳаракат хавсизлигини таъминлаш тадбирлари қоғозда қолиб кетаётганини кўрсатмоқда. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари минбарларидан туриб бу борада қилинаётган ва мўлжалланаётган ишлар ҳақида кўкрак кериб гапираётган бир пайтда электротранспорт воситаларидан жабр кўраётган ҳамшаҳарларимиз ҳисобига олинаётган рақамлар сони ҳам юқорилаб бормоқда.

Бошқарма ҳайдовчилари айби билан беш ой ичида рўй берган йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилдагига нисбатан 73,3 процентга, уларда халок бўлганлар сони икки бараварга, яраланганлар миқдори 21,1 процентга кўпайди.

ШИША ШАЙДОЛАРИ

Транспорт воситаларини спиртли ичимлик ичиб бошқарган қондабузарларни таништиришда давом этамиз:

◆ «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи Вениамин Голованов Тошкент ҳалқа йўлида «ВАЗ 21 01» маркали Е 77-18 ТН» номерли машинани «бадан қиздиргич» кучи билан ҳайдаган;

◆ Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг прораби Сергей Усачев эрталаб соат 8 ларда Хусанбоев кўчаси бўйлаб «ВАЗ—2105» маркали «Г 34-60 ТН» номерли машинани ҳайдаб кетаётганида тўхтатилди. У медицина экспертизаси томонидан маст деб топилди.

◆ Тошкент автомобиль ва йўллар институти ассистенти Козим Хайитов ҳам худди шу вақтда Ахмад Дониш кўчасида «ВАЗ—2103» маркали «61 29 ТНТ» рақамли машинани кайф билан бошқарган.


◆ Фрунзе спорт-техника клубида бўлажак ҳайдовчиларга сабоқ берадиган инструктор Ринат Ҳамзин кеч соат ўнларда «ВАЗ—2108» маркали «И 68-74 ТН» рақамли машинанинг рулига «қиттак» отиб олганидан сўнг ўтирган.

ЖАВОБИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

Бешинчи топшириқ мураккаблиги учун хат йўллаган қатнашчиларнинг салкам ярми нотўғри жавоб беришган. Ҳалла суяги-мия жароҳати оқибатида хушидан кетган кишини касалхонага ёнбошга ётқизиб олиб кетиш керак. Мана шу тўғри жавобни М. Асадуллаев, Н. Аъзамхўжаев, М. Азимова, Ш. Азимов, Д. Раҳматуллаева, Р. Мавлонов, М. Мирсоатова, Ш. Мирзакаримов, Р. Матўрозов, Ғ. Маҳмудов, З. Каримова, М. Исмоилова, И. Муҳамедов, Н. Обидов, И. Эшбоев, Ҳамдамовлар оиласи топган.

Ғ. Абдуқодиров, М. Аҳмедова, Р. Авазов, Д. Ғаффарова, З. Рашидова, З. Сирожиддинов, С. Султонов, О. Нуриддинов, Ё. Низомов, Н. Раҳимбеков, З. Раҳмонов, Юнусхоновлар оиласи, Р. Худойбердиевлар топшириқни тўғри ечиша олишмаган.

ЕТТИНЧИ ТОПШИРИҚ



Йўлда иш билан банд бўлган бу машина ҳайдовчиси қондага биноан ҳаракат қиляптими?

ЯНГИ БУҒ МАШИНАСИ

Норфолк графлигидаги «Пелланд инжиниринг компани»нинг бошқарувчи директори Питер Пелландининг айтишича, буғ автомобилларининг рекорд тезлиги тез орада 209 километр — соатдан ортиб кетади. Компания томонидан 4 йил давомида яратилган буғ автомобили — нафис аэродинамик формага эга бўлган спорт моделидир. Юк бўлмаси ўрнига ўрнатилган қозонга парафин ёки солярка ёқилғи бўлиб хизмат қилади. Цельсий бўйича 520 даража қўтарилган буғ икки тактли уч цилиндрли двигателга ўтади. Саккиз секунд ичида бу двигатель машинани 96,5 километр-соат тезликда ҳаракатлантира олади.

Буғ машинанинг энг яхши афзаллиги шундаки, унда тезлик қутиси ва сцепление йўқ. «Агар ҳайдашни ҳоҳласангиз, шунчаки газ тепкисига оёқ қўясиз, мабодо тўхтамоқчи бўлсангиз, оёқ тормозини босасиз, — дейди П. Пелландин. — Яна шуниси борки, автомобиль тўхтаганда, двигатель ҳам ишлашдан тўхтайди».

БАССЕЙНЛИ АВТОМОБИЛЬ

Бу «автоаждаҳо» ҳақида икки йил аввал газеталар ёзган эди. Ақлга сиғмайдиган нархдаги лимузиннинг узунлиги 18 метрдир. Вагонсифат автомобилда ўнлаб телефонлар, ётоқхона, ошхона, емакхона, ваннахона, бассейн мавжуд. Биринчи марта бу автоажойибот Ғарбий Германиядаги автосалонда намойиш этилган. Лекин қимматбаҳо машинага ҳатто Ғарбий Европа миллионерлари орасидан ҳам харидор чиқмади. Ўшандан бери «аждаҳо»ни кўплаб мамлакатларнинг турли салонларида кўргазмага қўйишди. Бироқ уни сотиб олишга ҳеч кимнинг қурби етмади.

Ниҳоят яқинда жаҳондаги энг қиммат лимузинни махсус авиалайнер билан Японияга жўнатишди. Машина эгаларга унинг шу ерда сотилишига умид боғлашмоқда.

АВТАНДИЛ АДЕИШВИЛИ, Грузия

ФЕЛЬЕТОН ЁРДАМ БЕРДИ

Ҳажвия

Редактор конвертни оҳиста очди-да, ичидан қўлёзмани олди.

— Фельетон! — деди у қувониб.

Хонада ўтирганларнинг барчасида қандайдир мамнунлик аломати пайдо бўлди. Дарҳол барча редколлегия аъзоларн йиғилишди.

— Фельетон етишмаётган ҳозирги бир вақтда, — деди редактор, — бу ноёб топилма. — У завқ билан ўқий бошлади: «Телевизор. Мен унн янги сотиб олдим». Ҳмм... — деди редактор қўлёзмага тез-тез кўз югуртириб, — ҳмм... — «Шундан сўнг телевизорни қўйдим, бунн қарангки диктор баскетболчига ўхшаб новча бўлиб кўрина бошлади, ёшгина балерина эса худди оғир вазндаги штангачига ўхшарди».

Шу ерга келганда редактор яна унн ўқий бошлади: «Ҳмм... Мен мастерни чақирдим.. У бўлса мендан йигирма беш сўм талаб қилди».

— Бу ерда ҳеч қандай янглиқ йўқ-ку! — деди бирнчи ўринбосар.

— Давомини ўқийлик-чи,— деди редактор асабийлашиб. «Хотиним. телевизор бўйича қўлланма сотиб олишимни маслаҳат берди. Шундан сўнг мен бир неча китоб ва «Радмо» журналини сотиб олдим. Уларни ўқиб кўриб билдимки, экранда тасвир кўринмаса ПТК блокини ўзгартириш керак экан. Агар товуш эшитилмаса ва тасвир кўринмаса, қаршилик бузилган бўлади. У магазинда атиги олти тийин тураркан, телевизор тузатадиган мастер бўлса шу арзимаган нарса учун мендан ўн сўм талаб қилди».

Шу ерга келганда редактор ниманидир ўйлаб, ўқишдан тўхтаб қолди.

— Қани, бизнинг телевизоримизни қўйингчи, — деди у секретарга.

— Қачондан бери ишламаяпти. Билмасиз-ку, бузилган, — деди секретарь.

— Шунинг учун ҳам айтаяпманда. Қани, қўйиб кўринг-чи...

Секретарь ўрнидан турнди, телевизорни қўйди.

— Товуш бору, тасвири йўқ, — деди кимдир.

— Диққат! — деди редактор ва юборилган фельетонни ўқий бошлади:

«Агар экранда тасвир кўринмаса кинескоп бўғизидаги магнит тутқичини алмаштиринг».

Редактор худди ҳамма нарсани қойил қилгандек барчага тантанавор қараб чиқнди-да:

— Дарҳол магазинга чопинг! — дея буйруқ берди у секретарига.

Ярим соатдан кейин магнит тутқич жойига ўрнатилди. Телевизор қўйилганда барча нарса кўринар, ҳатто товуши ҳам эшитилардн.

Редактор манглайини қашиб турди-да:

— Бугунги келган хатларни қаранг-чи, — деди хатлар бўлимининг мудирига,—кир ювадиган машина, чангютқич, холодильниклар тўғрисида ҳам фельетонлар бормикин!

Барча келган хатларни очиб ўқий бошладн.

Секретарь шошганича, яшин тезлигида машинкада телевизор ҳақидаги фельетонни ўн нусхада кўчира бошладн. Ким биладн дейсиз, балки ўнта қарнидошидаги телевизор бузуқдир.

— Фельетонни қайси сонда берамиз! — деди секретарь редакция аъзоларига қараб.

— Қанақа фельетон!! — деди асабий равишда редактор. — Нима бало, ақлдан озднигизми! У ҳеч нарсага ярамайди-ку! Қўлёзманн ҳар қанча таҳрир қилган тақдирда ҳам чиқариб бўлмайди. Ундан кўра қўлёзма эгасига яхши маслаҳатлари учун бизнинг номимиздан ташаккурнома жўнатинг...

Рус тилидан Баҳром АКБАРОВ таржимаси.



Хайр боғчажон, салом мактабжон.
А. Мамадаминов фотоэтюди.

САЛОМАТЛИК ГРУППАСИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Ҳужжатларда саломатлик группаларида ўттиз кишн шуғулланиши кўрсатилган. Машғулотга эса атиги олти кишн келди. Сирасини айтганда, булар ҳатто тренерлар машғулотга келмаган пайтларда ўзларича шуғулланишга ўрганиб қолган кишилар.

«ТошГРЭС» микрорайони яқинида жойлашган «Энергетик» стадионида бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Тўрт йил муқаддам стадионда саломатлик группаси ташкил этилган эди. Машғулотларга олтмишдан ортиқ ишчи-хизматчи қатнашарди. Афсуски, уларнинг сони кейинчалик камая борди.

— Қатнашчиларнинг қисқара бошлашига асосий сабаб, — дейди «ТошГРЭС» инструктор методисти Ольга Тарапова, —спорт базаларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлигидан.

Инструктор ҳақ гапни айтди. Чунки «Энергетик» стадионининг шундоқ ёнида 98-мактаб жойлашган. Саломатлик группаси аъзолари шу мактаб залига қатнар эдилар. Ҳозир бу зал бутунлай ишдан чиққан, полларн чириган, деворларн нураб кетган, умуман машғулот ўтказиб бўлмайдиган аҳволда. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: ТошГРЭСдек йирик корхона нима учун 98-мактаб спорт залн ремонти учун кўмаклашмайди. Ахир, «Энергетик» мактабга туташиб кетган бўлиб, «ТошГРЭС» қарамоғндаги стадион-ку!

Гапнинг маъноси шундаки, 98-мактабга оталиқ расмийлаштирилмаган. Шу бонс корхона раҳбарлари мактаб спорт залнни ремонт қилишга бош-қош бўлмаяптилар.

Мактабнинг оталиққа олинишнни тезлаштириш масаласини Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги кўриб чиқиши, конкрет тадбир белгилаши лозим. Ана шунда массив аҳолиси машғулотларда қатнашиб, саломатликларинн тиклаш ва мустаҳкамлаш имконига эга бўлади.

С. ОРИПОВ.

РАНГЛИ ПАХТА

Америкалик этнограф Жеймс Фриленд Перуга қилган сафаридан ҳиндулар ҳаётига оид кўпгина қизиқ материаллар олиб қайтди. Бироқ, у экспедиция вақтида қилган энг катта кашфиёт — рангли пахта бўлди.

Маълум бўлишича, перулик ҳиндулар қадим замонлардан бери сарғиш, кулранг, қаҳваранг, бинафшаранг пахта етиштириб келишар экан. Ҳозирги пайтда олимлар рангли пахтани бошқа жойларда етиштириш имкониятини қидиришмоқда.

ЧАКАНДАНИНГ ХОСИЯТИ

Чаканда ўсимлиги жийдадошлар оиласига киради. У Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг текислик ва тоғли районларидаги тўқайзорларда ва дарё соҳилларида ўсади. Яна Ўрта Осиёда, Ғарбий ва Шарқий Сибирнинг жанубий районларида, Қора денгиз атрофларида, Ватанимиз Европа қисмининг жанубий районларида учрайди.

Чаканда ўсимлигининг хосияти шундаки, унинг меваси таркибида витаминлар, каротин ва бошқа каротиноидлар, фолат кислота, ёғ, флавоноидлар, қанд органик (асосан олма ва вино) кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Чаканда мойи ярим қуриядиган, қуюқ, тўқ сариқ рангли бўлиб, ўзига хос ҳид ва мазага эга. У оғриқ қолдирувчи ва ярани тез битирадиган таъсирга эга. Радиоактив нурлар даволаганда унинг таъсиридан зарарланган тери, шунингдек, шиллиқ қаватлар, яралар ва куйган қизилўнгач ҳамда шиллиқ қаватлар, меъда яраси, витамин етишмаслигидан келиб чиққан авитаминоз ҳамда баъзи гинекологик касалликларни даволашда ишлатилади.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

Ажойиботлар олимида

РАҚСГА ТУШИНГ

Юрак қон-томир касалликларидан ҳоли бўлишн истаган кишиларга португалиялик медиклар ана шундай маслаҳат беришмоқда. Португалиялик кардиологларнинг олиб борган тадқиқотлари шундан далолат беради, рақс тушувчи касб эгаларигина эмас, балки бўш вақтларида рақс билан шуғулланувчи ҳамма ёшдаги кишилар юрак касаллиги билан бир мунча кам оғрир эканлар.

Рақс тушишни бошлаш ҳеч қачон кеч эмас, асосийси — унинг меъёрига риоя қилишдадир. Бундай даво,— деб уқтиришади мутахассислар, ақлий меҳнат кишилари ҳамда кам ҳаракат қилувчи кишилар учун зарурдир.

С. ХАБИБУЛЛИНА
тайёрлаган.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—«Варшава» цирки артистларнинг гастролларн (20.30).

Кино

30 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»— **Санъат саройн** (16, 18.30, 20.45). **Чайка** (16, 18.30, 21.00).

«ҚИЗИЛ БЕКА» — **Санъат саройн** (кичик зал, 17, 19.30).

«ЎТМИШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30 да).

«ЗОРРО» — **Восток** (18.30, 21.00).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **Қозоғистон** (ҳар соатда), **Москва кинотеатри видеосалонида** (16, 18, 20.00).

«ХУРСАНДМИЗ, БАХТЛИМИЗ, ИСТЕЪДОДЛИМИЗ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» —**К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Дружба** (17, 19, 21.00).

«ТАРҚАЛАЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Дружба** (18, 20.30).

«МАКТАБ ВАЛЬСИ»— **Искра** (16, 18, 20.00).

1, 2 ИЮЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» — **Санъат саройн** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Чайка** (11, 13.30 16, 18.30, 21.00).

«ҚИЗИЛ БЕКА» — **Санъат саройн** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МАКР ҚУРБОНИ» — **Тошсовет 50 йиллиги номли** (11.10, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ЗОРРО» — **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ГРОҒ» — **Қозоғистон** (ҳар соатда).

«ОЛТИН МАЪБУДА» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда).

«МУЮЛИШДАГИ МАЛЛАСОЧ ХОНИМ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Дружба** (11, 13, 15.30, 17, 19, 21.00).

«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ТАРҚАЛАЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Дружба** (12, 15, 18, 20.30).

«ШЕРЛОК ХОЛМС XX АСРДА» — **Москва** (тоқ соатларда, охирги сеанс 20.40 да).

«ЎТМИШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ» — **Искра** (жуфт соатларда).

«ТАНГРИНИНГ ҒАЗАБИ» — **Москва кинотеатри видеосалонида** (16, 18, 20.00).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1987-1988 ўқув йилига КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЕТСОЗЛИК, МЕТАЛЛАРГА ҚИРҚИБ ИШЛОВ БЕРИШ, АСБОБСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ МОНТАЖ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ, МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ, ПРОГРАММАЛЬ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ СОЗЛАШ.

Ўқишга 8 ва 10-синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кундузги бўлимнинг ўзлаштирувчи ўқувчилари ойига 30 сўмдан 45 сўмгача стипендия оладилар, аълочилар стипендияга қўшимча 50 процент, яхши баҳолилар —25 процент устама ҳақ билан таъминланадилар.

Техникумнинг кундузги бўлимини тугатиб имтиёзли диплом олган ўқувчиларга ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма берилади.

Саккиз йиллик мактабни мақтов қоғози, ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаллар билан битирганлар, кириш имтиҳонлари олинадиган фанлардан «айрим фанларни ўзлаштиришдаги алоҳида муваффақиятлари учун» мақтов қоғозини олган ўқувчилар, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар техникумга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртларини ёки мактабларни «4» ва «5» баҳоларда тамомлаган ўқувчилар ҳам (тегишли мутахассислик ва таълим формаларига кўра) металларга қирқиб ишлов бериш (ўнинчи синфни битириб кечки бўлимга кираётганлар; саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилиш (саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), программали бошқариладиган станоклардан фойдаланиш ва уларни созлаш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш (ўнинчи синф ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини битириб кечки бўлимга кираётганлар) ихтисосликлари бўйича техникумга кириш имтиҳонларисиз (қабул қилинувчиларнинг 60 процентн доирасида) қабул қилинадилар.

Аризаларни қабул қилиш тўхтатилишидан 4 кун олдин кириш имтиҳонларисиз қабул амалга оширилади.

Қолган ўринларга конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар: кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан — 31 июлгача, 10-синф маълумоти билан — 15 августгача, 10-синф маълумоти билан — 15 сентябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун); паспорт, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга лаёқати ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача ўтади, 8-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (диктант); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (иншо) топширадилар: **кечки бўлимда — уч муддатда — 20 сентябргача ўтади.**

Техникумнинг ётоқхонаси йўқ. Прописка билан таъминламайди.

Адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, 111-аудитория (5, 7, 12, 18, 58, 68, 113-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 22, 28-трамвайлар; 1, 8, 10, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Революция хиёбони» бекати). Справкалар учун телефонлар: 33-89-22, 33-69-34.

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 17 — 25 ЁШЛИ, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.



ЎҚУВЧИЛАРГА ОЙИГА 52 СЎМДАН 62 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. **ЎҚИШ МУДДАТИ 5 ОЙ БЎЛИБ, МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.**

БИТИРГАНЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ КАСБ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА МАКТАБ-МАГАЗИ Н Н И БИТИРГАНЛИГИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА ТОШШИРИЛАДИ.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР БИР ЙИЛ ИШЛАГАЧ, ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШЛАРИ МУМКИН.

Ўқишга кириш учун паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см.), характеристика, турар жойидан справка топшириш керак.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА (Октябрь бозори) **МУРОЖААТ ЭТИШ ЛОЗИМ.**

11, 35, 46, 28-автобусларда «Хадра», 7, 8, 11, 15, 16-трамвайларда «ГУМ», 8, 18-троллейбусларда «Хадра» бекатигача борилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводига қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлаб беради.

кенг профилдаги йўнувчи-токарь, электр кўприк кранларининг машинисти, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, қўлда ва машинада қолипловчи, ОТК назоратчиси.

ЎҚИШГА 17,5 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқувчиларга 72 сўм стипендия берилади, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топилган иш ҳақининг 50 процентн тўланади.

Саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, тепловознинг механик қисми ремонти бўйича слесарь, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, электргаз пайвандчи-сантехник, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг созловчиси, куч тармоқлари ва электр асбоб-ускуналарининг электр монтери.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ, САККИЗИНЧИ СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 процентн билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Билим юртида музика тўгараклари, тажрибали тренерлар раҳбарлигидаги спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини тугатганларга диплом берилади.

Аълочи ўқувчилар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ҳодимларининг барча имтиёзларидан фойдаланадилар, жумладан, Совет Иттифоқининг истаган томонига поездда бепул бориб келадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан справка, яшаш жойидан справка, характеристика, 10 дона фотосурат (3х4 см.). —сурат ялтироқ қоғозда бўлмаслиги керак.

МАШҒУЛОТЛАР 1987 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар; 22, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон — 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987—1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЁШЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.**

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқишни битирганларидан сўнг ўрта маълумотга эга бўлганлиги ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотлилар бир йил ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирган ўқувчилардан 10 процентн олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқиш учун йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги маданият Саройида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва ўзлари истаган бошқа тўгаракларда қатнашишлари мумкин. Ўқувчилар санаторий-профилактоpий ҳамда корхона медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5-«а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60э, 80э, 71-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати). Телефон 33-19-24.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР МАЙДОНИДА ВА ШОИРЛАР ХИЁБОНИДА
1987 йил 1 июль соат 11 дан 17.00 гача
«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ЎЛКАМ» ШИОРИ ОСТИДА ЎЛКА АДАБИЁТИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ ВА ТАРҚАТИШ ОИЛИГИ ОЧИЛАДИ
ПРОГРАММАДА:

Ўзбекистон шоирлари ва ёзувчилари билан учрашувлар;

республика нашриётларининг вакиллари билан консультациялар; янгилик обзорлари;

адабиётлар катта савдо-кўргазмаси.

Ойликда «Ўзбекистон», «Фан», «Ўқитувчи», «Меҳнат», Ғафур Ғулом номидаги, «Ёш гвардия», «Медицина» нашриётлари қатнашади.

КИТОБЛАР БАЙРАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«Ташкнига» шаҳар китоб савдоси идораси.

«УЗГОСЭНЕРГО Н А ДЗОР»

ЭСЛАТАДИ

Фойдаланилган электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир кишининг бурчи!

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ҲАР ОЙНИНГ 1-5 ЧИСЛОЛАРИДА

тўлов дафтарчасига ёзиш ва 5 кун мобайнида уни Тошкент давлат меҳнат омонат кассаларининг кириш кассаларига

ТЎЛАШ ЗАРУР

Агарда сиз фойдаланилган электр қуввати учун ҳақ тўлашни эсдан чиқарган бўлсангиз қарзингизни дарҳол узишингиз лозим.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: тўловлар ўз вақтида тўлаб борилмаса электр энергиясн берилишн тўхтатиб қўйилиши мумкин.

СПОРТЧИЛАР, ОВЧИЛАР, БАЛИҚ ТУТУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

БАЛИҚ ТУТИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ, ОВ ҚИЛИШ ПАЙТИ ЯҚИНЛАШМОҚДА.

Аъзолик бадалини тўламаган кишилар, спортчи бадалини тўламаган кишилар спортча балиқ тутиш ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Аъзолик бадали ҳар куни, якшанбадан ташқари, соат 9 дан 18.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги майдони, (собиқ 34-мактаб биносида).

«Ташгорохотобшество».

«Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли Ленин район улгуржи-чакана савдо конторасн 21-магазинининг

йўқолган штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкентвино» комбинати томонидан қайтариладиган тараларни ташиб келиш учун моддий жавобгар шахс — 2521-автоколонна экспедиторига берилган номерлари 01979 дан 01984 гача бўлган

йўқолган товар-транспорт накладнойи варақалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги Ишчи таъминоти бошқармасининг (УРС) Тошкент Ишчи таъминоти бўлими (ОРС)га берилган 491052 номерли йўқолган

Банк чеки

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь ошхоналар трестига берилган номерлари 5025076 дан 5025080 гача бўлган ГТ-1 меҳнат дафтарчаларининг йўқолган

тоза варақалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг

Марказий ўқув комбинатига етти юз олтмиш тўққиз сўм 40 тийинга берилган йўқолган

2075 номерли аванс дафтарчаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 7-сил касалликларига қарши кураш диспансерига касаллик варақалари учун берилган

йўқолган учбурчакли муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ РАЙОНИНИНГ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ — ДЕНДРОПАРКДА

дам олиш кунлари

ТОШКЕНТ РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ

БАҲОРГИ-ЁЗГИ ЯРМАРКАСИ

ИШЛАБ ТУРИБДИ

КЕНГ АССОРТИМЕНТДА САНОАТ МОЛЛАРИ МАВЖУД.

Умумий овқатланиш корхоналари хизматингизда.

Тошкент район матлубот жамияти правлениеси.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент маиший чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш тажриба заводи ОГОҲЛАНТИРАДИ:

1987 йил 10 июлдан бошлаб

шаҳар аҳлатхонасига қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиётган ва кузовида никиламчи хом ашё (чарм, қоғоз, қора ва рангли металлар, латта-путта ва ҳоказолар) бўлган машиналарнинг юк туширишига

ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ФРУНЗЕ РАЙОН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА:

бош бухгалтер, план бўлими бошлиғининг ўринбосари, савдо инспектори, катта ревизор, ревизорларни.

Справкалар ва ишга йўлланма олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Киров район участка ветеринария шифохонасининг

йўқолган

думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари Давлат комитети республика ахборот-ҳисоблаш марказининг касаба союз комитети томонидан С. Виткина номига берилган

йўқолган

48-номерли ишонч варақаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, напитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, харбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редаксияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 14018. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да кўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да кўл қўйилиши лозим]. Б. 2160. Тиражи — 75.131. Индекс 64690 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.